
	Индорама Агро	Хужжат №	H.01.F5-P1/D002
		Хужжат санаси	14.09.2022
		Қайта кўриб чиқилган санаси	
	Ишга олиш сиёсати	Амалга ошириш санаси	14.09.2022
		Саҳифа рақами	1/1 саҳифа
ИШГА ОЛИШ СИЁСАТИ			

Ушбу сиёсат тенглик ва хилма-хиллик тамойиллари ва илғор тажрибаларни илгари суриш орқали иқтидорли номзодларни ёллаш ва сақлаб қолиш учун самарали ишга қабул қилиш жараёни учун мустаҳкам асос яратади. Ушбу Сиёсат ишга қабул қилувчилар ва бошқа HR мутахассисларига кўрсатмалар бериш орқали самарали ишга олиш жараёнини амалга ошириш ва бошқариш учун ишлатилади. Ушбу Сиёсат ишга қабул қилиш, танлаш ва ёллаш жараёнларида иштирок этувчи барча ходимларга тааллуққидир, улар куйида келтирилган асосий тамойилларга мувофиқ ҳаракат қилишлари кутилмоқда.

Биз бажарамиз:

- Ёши, жинси, ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва миллатидан қатъи назар, энг муносиб шахсни танлаш имконини берадиган адолатли, очиқ ва шаффоф ёндашувга асосланган танлов асосида ишга қабул қилиш жараёнини ўрнатиш ва юритиш.
- Барча номзодларга адолатли, ҳурмат билан муносабатда бўлишини таъминлаш. Ишга қабул қилиш жараёнида номзоднинг ижобий тажрибасини таъминлаш. Бунга танлов мезонларини, танлов қарорлари сабабларини ҳужжатлаштириш ва танланмаган номзодларга фикр-мулоҳазаларни тақдим этиш киради.
- Барча номзодларга иш ҳақидаги маълумотлар, талаб қилинадиган билим, кўникма ва тажриба ҳамда танлов жараёни тафсилотлари билан танишиш имкониятини таъминлаш.
- Миллий конфиденциаллик ва маълумотларни химоя қилиш талабларига мувофиқ ариза берувчиларга тегишли барча ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлашга ҳаракат қилиш.
- Ишга қабул қилиш ва танлаш жараёнида иштирок этувчи шахсларни муносиб ўқитиш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш.
- Ишга қабул қилиш жараёнини ўз вақтида, мослашувчан ва тежамкор тарзда амалга ошириш.

IAL ушбу сиёсатни амалга оширади ва даврий равишда самарадорликни ва натижаларни ўлчайди ва ҳисобот беради. Ушбу сиёсат ҳар 2 йилда кўриб чиқилади.

Тайёрлади:	Лавозими: - Кадрлар бўлими менеждери	Сана: 14.09.2022	Имзо: 
Текширди:	Лавозими: - Кадрлар бўлими директори	Сана: 14.09.2022	Имзо: 
Тасдиқлади:	Лавозими: - Бош Директор	Сана: 14.09.2022	Имзо: 